



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2023 yil “29”sentabr

05-38/23152-son

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент  
шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш  
бошқармалари бошлиқларига,**

**Тиббиёт олий таълим муассасалари,  
Абу Али ибн Сино номидаги жамоат  
саломатлиги техникум раҳбарларига,**

**Илмий амалий ихтисослаштирилган  
тиббиёт марказлар, илмий текшириш  
институтлари, республика даволаш  
профилактика муассасалари  
раҳбарларига**

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023 йил 22 сентябрдаги 02-01/1297-сонли хатига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2023-йил 12-сентябрдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси бўйича 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги КҚ-570–IV–сонли қарорининг **8-бандида бир ой муддатда** муассасалар кесимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини намунали йўлга қўйиш ҳамда ушбу амалиётни 2024-йилнинг 1-апрелига қадар тармоқдаги бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам оммалаштириш чораларини кўриш вазифаси белгиланган.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий НИЗОМ

иловага асосан тақдим этилмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан муассасада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини намунали йўлга қўйиш чораларини кўришингизни ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида жорий йилнинг 30 октябрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълумот тақдим этилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Илова: \_\_\_\_\_ варақда.

Вазир ўринбосари



Э.Баситханова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

RESPUBLIKA  
IXTISOSLASHTIRILGAN  
ALLERGOLOGIYA VA KLINIK  
IMMUNOLOGIYA ILMIY-AMALIY  
TIBBIYOT MARKAZI

100109, Toshkent., Farobiy ko'chasi, 2.  
Tel.: (+998) 71 214-55-06. Faks; (+998) 78 150-94-92



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР  
АЛЛЕРГОЛОГИИ И КЛИНИЧЕСКОЙ  
ИММУНОЛОГИИ

100109, Ташкент., ул. Фарабий, 2.  
Тел.: (+998) 71 214-55-06. Факс; (+998) 78 150-94-92

## BUYRUQ

“14” октябрь 2023 yil

№ 39 UB

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича Маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий Низом тасдиқланганлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023 йил 29 сентябрдаги 05-38/23152 сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида

### Буюраман

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2023 йил 12 сентябрдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги КҚ-570-IV-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
- Марказда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, гендер тенгликка эришишни намунали йўлга қўйиш мақсадида Маслаҳат-кенгаш фаолияти ташкил этилсин ҳамда Маслаҳат-кенгаш таркиби тузилсин ва тасдиқлансин.
- Маслаҳат-кенгаш раиси этиб илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Н.П.Айдарова тайинлансин.
- Ушбу буйруқ назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Марказ директори, профессор

И.С.Разиқова